Ушбу сонда:
2 «ПАХТАБАНК» йиғим-терим қатнашчиларини ўз вақтида маблағ билан таъминламоқда
3 Орамиздаги одамлар. ЧЎЛИ БОБО НАБИРАЛАРИ
4 Болалар спорти. ХАЙРЛИ ТАШАББУС

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 13 ноябр, чоршанба №179 (1396)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

*Сиз, азиз самарқандликларни эришган катта меҳнат ғалабангиз - 250 минг тонналик улкан хирмон бунёд этиб, давлатга пахта топшириш йиллик шартнома режасини бажарганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.*

*Кўпни кўрган, ҳаёт синовларида тобланган, ҳар соҳада билимдон ва тажрибали вилоят аҳли қўлга киритган бу муваффақият негизида аввало Самарқанд заминининг беқиёс салоҳияти, ерга қалб қўрини бериб ишлаётган заҳматкаш деҳқонларимизнинг бунёдкорлик меҳнати мужассамдир.*

*Бу ютуқ ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, ишни тўғри ташкил этиб ишлаган, мавжуд барча имкониятлардан оқилона ва унумли фойдаланган тақдирда қишлоқ хўжалигида қандай самараларга эришиш мумкинлигини яққол кўрсатиб турибди.*

*Айниқса, сизларнинг жорий йилда нафақат пахтачилик, балки ғаллачилик соҳасида ҳам шартнома мажбуриятларини шараф билан адо этганингиз вилоятда қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар, аввало барчамизни боқадиган ерга меҳр ва эгалик ҳиссиёти кучаяётгани, юртимиз, Ватанимиз манфаатлари йўлида бераётган натижаларининг далолати деб биламан.*

*Ишончим комилки, азму шижоат ва мустаҳкам ирода соҳиби бўлган вилоят миришкорлари Самарқанд деҳқончилик мактабининг қадимий шуҳратини қайтадан тиклаб, бу диёр номини бутун дунёга тараннум этган буюк боболаримиз анъаналарини амалий ишлари билан давом эттирадилар.*

*Қишлоқ хўжалиги учун мураккаб бўлган бу йилни ёруғ юз билан якунлаётган сиз, азиз юртдошларимни пешона терингиз, ғайрат-шижоатингиз самараси бўлмиш бугунги зафарингиз билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака, олижаноб интилишларингизда янгидан-янги муваффақиятлар ёр бўлишини тилайман.*

*Доимо омон бўлинг, омадингизни берсин, қадрдонларим!*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ*

### Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясини чақириш тўғрисида

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қарор қилади:***

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси 2002 йил 12 декабр куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.ХАЛИЛОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2002 йил 12 ноябр*

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида.
2. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
3. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
4. «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида.
5. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг резервидаги хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
6. «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
7. «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
8. «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
9. «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
10. »Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадини декларациялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
11. «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
12. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

* * *

**Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига таааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.**



Деҳқон меҳнати ҳеч қачон ерда қолмайди. Бу, айниқса, пахта йиғим-терим палласида кўзга яққол ташланади. Ёшу қари не-не машаққатлар эвазига етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш пайида бўлади. Қарши Давлат университетининг ўтюрак талабалари ҳам бундан истисно эмас. Улар Баҳористон тумани пахтакорларига мададкор бўлдилар.

***Суратларда: физика-математика факултети талабаси Шоҳида Ҳамроева; санъаткорлар заршунослар хизматида.***

**С.ШАВКАТОВ олган суратлар.**



## КОЛЛЕЖДА ТАЖРИБА МАЙДОНИ

***Қизилтепа туманидаги касб-ҳунар коллежида тажриба-синов участкаси ташкил этилди.***

Бу ишда ҳомийлик қилган «Бухоро» ширкат хўжалиги ўз майдонидан 10 гектар ер ажратиб, коллеж ихтиёрига берди. Энди коллеж ўқувчилари устозлари раҳбарлигида пахта, ғалла ва бошқа экинларни парвариш қилиш, янги навларни синовдан ўтказиш ва уруғчилик ишлари билан шуғулланади. Тажриба майдонидан олинган даромад коллеж ўқувчилари билим ва тажрибасини оширишга сарфланади.

**(ЎзА).**

*Истиқлол шарофати*

## ҚЎШМА КОРХОНАЛАР ЯНА БИТТАГА КЎПАЙДИ

### ва юз нафар йигит-қиз иш билан таъминланди

Пойтахтимизнинг Бектемир туманида «Агрокерамика» Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси очилди.

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка, изчил тараққиётга эришишга муваффақ бўлинмоқда. Иқтисодиётнинг кўплаб соҳаларида, аввало, ишлаб чиқаришни янгилаш ва техник қайта жиҳозлаш амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон жаҳон иқтисодиёти билан тобора кўпроқ интеграциялашиб бормоқда. Иқтисодиётимизда қўшма корхоналарнинг улуши, маҳсулот ишлаб чиқаришдаги салмоғи тобора ортяпти, хорижий капитал мамлакатимизда мустаҳкам ўрин эгаллаяпти. Чет эл фирма ва компаниялари билан ҳамкорлигимиз ва кооперация алоқаларимиз йилдан-йилга кучайиб, шериклик ва ҳамкорлик муносабатларимиз тобора ривожланмоқда. Бунёд этилган мазкур қўшма корхона ҳам бунинг ёрқин исботидир. Унинг инвестиция лойиҳаси Италиянинг «Велко индустриале СпА» ва «Драйтон Керамика СпА» фирмалари, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Инвестиция бош бошқармаси ва «Бинокор» акционерлик жамияти иштирокида амалга оширилди.

- Корхона, асосан, маҳаллий хомашёдан импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган,- деди қўшма корхона бош директори Т.Аҳмедов ЎзА мухбирига. - Лойиҳанинг умумий қиймати 5,13 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Бу қўшма корхона таъсисчиларининг улушлари ҳамда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга мўлжалланган кредит маблағлари ҳисобидан амалга оширилди. Марказий Осиё минтақасида ягона ҳисобланган мазкур қўшма корхонада йилига 600 минг квадрат метр миқдорида керамик плитка - кафеллар ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Айтиш жоизки, «Агрокерамика» қўшма корхонасининг бўш иш жойларига талаб катта бўлган Бектемир туманида очилиши бу ердаги юз нафар йигит-қизнинг иш билан таъминланишига шароит яратди.

**(ЎзА).**

*Ибрат*

## «ФАРҲОД» ШИЖОАТИ

Навоий вилоятидаги Деҳқон қурилиш бошқармасига қарашли «Фарҳод» шўъба корхонасида жорий йилда меҳнатга ҳақ тўлаш тубдан яхшиланди. Ишловчиларнинг ўртача ойлик маоши 40 минг сўмга етди. Уларни тўла ижтимоий ҳимоялаш мақсадида бепул ва сифатли овқат билан таъминлашга 1 миллион 200 минг сўм сарфланди. Ўтган давр ичида зарарли ишда ишловчилар сут-қатиқ билан мунтазам таъминланиши йўлга қўйилиши билан бирга, уларни моддий-маънавий рағбатлантиришга 2,5 миллион сўм ажратилди.

Кам таъминланган оилалар корхона касаба уюшма қўмитаси томонидан алоҳида эътиборга олинган. Яқинда бу ерда ана шундай оилалардан тўрт нафарининг суннат тўйлари ўтказилди. Қизилтепа туманидаги «Кўрлар» жамиятининг маъмурий биноси бепул таъмирлаб берилди.

Буларнинг барчаси корхонада қурилиш-монтаж ишлари намунали ташкил этилаётгани самараси бўлмоқда. Жамоа йилнинг ўтган даври мобайнида режадаги 56 миллион сўмлик ўрнига 62 миллион сўмлик иш бажарди. Нурота туманидаги касб-ҳунар коллежи Қизилтепадаги 12 квартирали турар жой биноси қурилиши, Тошпўлат Ҳамид номли 13-мактаб жорий таъмирлаш ишларида, корхона ишчиларининг муносиб улуши қўшилди. Пардозловчи Анвар Саидов, Ихтиёр Шодиев, Дилмурод Аминов, пайвандловчи Алишер Нуралиев, Икром Равшановлар номи эл оғзига тушди.

**Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» мухбири.**

## ҚАСАБА УЮШМА ТОМОШАБИН БЎЛГАН ЖОЙДА

### ижтимоий ҳимояга муҳтож 4 нафар аёл ноқонуний ишдан бўшатилди

***Азизахон линтер цехида той жиҳозловчи бўлиб ишларди. Кунлардан бир кун оёғи тойиб кетиб шикастланди. Тиббий хизмат бўлинмасида суриштирилганда, бахтсиз ҳодиса сабабини яширди.***

Шифокорларнинг маслаҳати бўйича касаллик варақаси очилиб, дам олганда, бу кўргиликлар бошига тушмаган бўларди. Ишдаги зўриқишдан, оғриқ кучайиб, шифохонада 3 ой қолиб кетди. На касабақўм, на маъмурият унинг ҳолидан хабар олди. Бошида эркаги йўқ, бунинг устига вояга етмаган икки нафар норасидаси... Хуллас, ичидан ўтганини ўзи билади.

Азизахон қадрига ачинарди. 19 йилдан буён корхонада узлуксиз ишласа-ю, илтифот кўрмаса?! Яхшиямки,' 1-микрорайондаги маҳалладошлари бор экан. Иссиқ-совуғидан хабар олишди, болаларига ҳам оталик, ҳам оналик қилишди.

Иш бир орқага кетмасин экан. Аксига олиб, қизи Ферузахон гепатитга чалиниб касалхонага тушди. Ўтган йилнинг октябридан буён маош олмаган, дори-дармон, рўзғор тебратиш ташвиши, хуллас, иқтисодий қийинчилик уни иш берувчининг ҳузурига боришга мажбур қилди. Аммо, Қўрғонтепа пахта тозалаш заводининг ўша пайтдаги раҳбари Муҳаммадамин Аюбжонов ваъда билан унинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдирди. Умид билан касабақўм раиси Гулсорахон Жўраевага учрашди. Бироқ у ҳам бошлиқнинг «ашуласи»ни такрорлашдан нарига ўтмади. Билдики, касабақўм иш берувчининг «чизиғидан» чиқмайди...

Ишдан кўнгли совиб, қўли ишга бормай қолди. Шунчаки корхонага бориб кела бошлади... Пахта тойини жиҳозлаётиб дастгоҳлар атрофида тўкилиб ётган чигит чиқиндиларига кўзи тушди. «Бозорда сотсам, Ферузанинг дорисига яраб қолар» деб, кўнглидан ўтказди. Чиқиндиларни тўплаб сумкага жойлаштирди-да, панага яшириб қўйди. Албатта, бу жамоа мулкига кўз олайтириш эди. Аммо корхонада бу ишни қилаётган биргина Азизахон эмас эди. Балки ҳамкасблари Зарифахон Зиётдинова, Хидоятхон Қосимова, Зиля Рўзиматовалар ҳам ташмачилик қилганликлари аён бўлди...

Афсуски, орамизда мен раҳбарман, айтганим айтган, деганим деган, қабилида иш тутаётганлар бор. Бошқарув раиси А.Аюбжонов ташмачиликдан огоҳ бўлгач уни қонуний асосда ҳал этиш ўрнига фармонбардорликка зўр бериб, Меҳнат Кодексининг 102- моддасига зид иш тутади. 2002 йил 21 январ куни тартиббузарларнинг меҳнат шартномаларини бекор қилиш тўғрисида касабақўмга 01-69-сонли тақдимнома киритади. Боз устига, ҳомиладор, 14 ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни тунги юмушларда ишлатишга йўл қўйиб, Меҳнат Кодексининг 228-моддаларини қўпол равишда бузади.

Жамоанинг таянчи, ижтимоий ҳимоячиси бўлган касаба уюшмаси ишчиларга ён босиш, дардкашлик қилиш ўрнига маъмуриятнинг дастёрига айланди. Шу куниёқ қўмита йиғилиши чақирилди. Жамоа шартномасининг ижросини кўриб чиқиш, корхонанинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш, иш ҳақидан қарздорликка барҳам бериш орқали ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш ўрнига, маъмурият томонини олди. Шу йил 21 январ куни 11/8-сонли қарор билан иш берувчининг меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги сўровига «оқ фотиҳа» берилди. М. Аюбжонов темирни қизиғида босиб, 22 январ куни бирваракайига 4 нафар аёлни ишдан бўшатиш тўғрисидаги 20-сонли буйруққа имзо чекди. Аслида эса мутасадди ишчиларни фармойиш матни билан 3 кун олдин таништириши, сўнгра буйруқни тилхат билан расмийлаштириши керак эди. Қарангки, корхона ҳуқуқшуноси Людмила Ким ҳам бунга индамай қўл қовуштириб тураверди.

Азизахон Норқўзиева ишдан бўшатилганлиги ҳақидаги хабарни эшитиб, иккинчи уйи бўлиб қолган қадрдон ишхонаси энди унга бегонадек туюлди. 19 йил мобайнида яхши-ёмон кунларни бирга баҳам кўрган жонажон жамоасидан кўнгил узиб кетиши қийин эди. Аммо, қалбидаги умид учқунлари ҳамон милтираб турарди.

Ниҳоят, тўрт дугона Қўрғонтепа туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма тармоқ қўмитаси номига юқоридаги ноқонуний буйруқни бекор қилиш, уларни ишларига тиклаш ҳақида дилнома битдилар. Қўмита арзномага дарҳол ўз муносабатини билдиради. Раис ўринбосари Собиржон Содиқов бошлиқ ҳуқуқий ёрдам таркиби тузилиб, ишга киришади. Таркиб корхонадаги меҳнат низосини таҳлил қилиш жараёнида ҳам иш берувчи, ҳам касабақўм томонидан ноқонуний қарорлар қабул қилинганлигини аниқлайди.

Тармоқ қўмитаси текшириш якунларини кўриб, чиқиб, жорий йилнинг 7 февралидаги 11/8-сонли қарори билан шикоятчиларнинг талабларини адолатли деб топди. Шу йилнинг 7 февралидаги 11/8-сонли қарор билан маъмуриятнинг меҳнат шартномасини тугатиш тўғрисидаги буйруғи бекор қилинди. А.Норқўзиева боқувчисини йўқотганлиги, З.Зиятдинованинг ҳомиладорлиги, Х.Қосимова ва А.Рўзиматоваларнинг нафақа ёшдаги болалари борлигини иш берувчи меҳнат муносабатларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларга зид равишда инобатга олмаганлиги кўрсатилди. Ишчиларни ўз ишларига қайтариш, мажбурий таътил кунлари учун тўлиқ иш ҳақи тўлаш ҳақида тармоқ қўмитаси қарорининг бир нусхаси ижро учун корхонага юборилди. Муросасозлик йўлини тутган касабақўм раиси Г.Жўраевага ҳайфсан эълон қилинди.

11 та цех, 464 нафар касаба уюшма аъзосига эга бўлган ташкилот жамоа шартномаси ижросини назорат қилишда сусткашлик қилаётир. Раисанинг ўзи маъмурият айби билан апрелдан буён ойлик маошини ололмаётганлигини қандай баҳолаш мумкин? Бунинг устига шу йилнинг 1 август ҳолатига корхонада иш ҳақидан 40 миллион 827 минг сўм, ижтимоий суғуртадан 288 минг сўм, 2 ёшгача фарзанди бор аёлларга тўланадиган нафақадан 65 минг сўм, меҳнатга лаёқатсизлик тўловларидан 47 минг сўм қарзи юзага келган.

Бироқ, бошқарув раиси Тармоқ қўмитасининг қарорига рад жавобини берган. Шундан кейин ноҳақ ишдан бўшатилган ишчилар адолат талаб қилиб, Хўжаобод туманлараро фуқаролик судига даъво аризаси билан чиқишга мажбур бўладилар. И.Қамбаров раислигида ўтган суд мажлисида ҳақиқат қарор топди. Ҳақ-ҳуқуқи тикланган аёллар яна жамоа бағрига қайтдилар. Мажбурий таътилда бўлганликлари учун икки ойлик иш ҳақи тўланиши юзасидан суднинг ҳал қилувчи қарори ўз ижобатини топди.

Суд қарори ижроси билан қизиқиб корхонада бўлишга тўғри келди. Корхонани бошқаролмай томоғигача қарзга ботирган М.Аюбжонов аллақачон вазифасидан озод қилинган экан. Арзномачилардан Зарифахон Зиятдинова суд қарори бўлса-да, ҳозиргача ишга тиклана олмаётганлиги, устига-устак касаллик варақасига тўланадиган тўловларни ололмай сарсон бўлиб юрганлигини эшитиб ҳайратимиз ошди. Ишга тикланган аёлларнинг мажбурий таътил бўйича тўланадиган икки ойлик иш ҳақлари ҳам қўлларига тегмаган.

Эндигина иш бошлаган янги раҳбар Баҳодиржон Қодировдан суд қарорлари ижроси пайсалга солиниши сабабларини сўраймиз. Ундан иш ҳақидан қарздорликни тугатишга қаратилган хайрли тадбирлар амалга оширлаётганлигини билиб, ишонгимиз келди.

**Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири.**

*Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар*

# «ПАХТАБАНК»

## йиғим-терим қатнашчиларини ўз вақтида маблағ билан таъминламоқда

***Халқимизда минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, деган мақол бор. Биз ана шу нақлга амал қилиб, Навоий туманидаги «Зарафшон» ширкат хўжалигида бўлдик. Хўжалик деҳқонлари жорий йилда пахтадан мўл ҳосил етиштирибди. Давлатга 1122 тонна «оқ олтин» топширилиб, режани 118 фоизга уддаланибди. Шунга қарамасдан, пахта йиғим-терими қизғин.***

Ширкат хўжалиги аъзоси Замира Абдуллаева йиғим-теримда фаол қатнашиб, 4 тонна пахта терди. Роҳат Нарзиева, Раъно Долматова, Қурбоной Эшоновалар ҳам Замирадан қолишмасликка ҳаракат қилиб, кунига 150-160 килограммдан «оқ олтин» йиғиб териб олишди. Натижада улар мўмай даромадга эга бўлдилар. Хўш, деҳқонларнинг бундай манфаатдорликка эришишига нималар сабаб бўлмоқда?

Маълумки, шу йилнинг 29 августида Вазирлар Маҳкамасининг «2002 йил пахта ҳосилини уюшқоқлик билан йиғиштириб олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Унда пахта йиғим-терими қатнашчиларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш мақсадида далалардаги мавжуд ҳосилга қараб табақалаштирилган ҳолда ҳақ тўлаш тавсия қилинди. Хусусан, қўлда терилган ўрта толали нав пахта учун камида 28 сўм, ингичка толали пахта учун 31 сўм ҳақ тўланадиган бўлди.

Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси, Марказий банк, «Пахта Банк» ва бошқа тижорат банклари, «Пахтасаноат» ҳудудий бирлашмалари зиммасига теримчилар, шунингдек, пахтани юклаш, тушириш, тайёрлаш, ташиш, жойлаштириш ҳамда унга ишлов бериш, пахта териш машиналарига техник хизмат кўрсатиш ва тузатишда банд бўлган ходимларни маблағ билан ўз вақтида таъминлаш топширилди.

— Шу қарорга асосан ходимларимиз шу йилнинг 6 ноябригача 2 миллиард 664 миллион 443 минг сўм маблағни йиғим-терим қатнашчиларига тарқатдилар, - дейди «Пахта Банк»нинг Навоий вилоят бошқармаси бошлиғи Абдурашид Усмонов. — Бунда бошқарманинг Навоий туманида жойлашган бўлими ходимларининг ҳиссаси катта бўлди. Чунки улар шу кунгача йиғим-терим қатнашчиларига энг кўп миқдорда маблағ етказиб бердилар. Натижада туман пахтакорлари, хусусан «Ҳазара» ширкат хўжалигининг Исмат Олимов, Тўхти Тешаев, Бозор Ражабов, Маҳмуд Зарипов каби пудратчилари ҳосилдорликни гектарига 46 центнергача етказдилар. Бу ерда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бошқармада ишчи гуруҳи тузилган бўлиб, улар туманларда терим учун тўловлар ўз вақтида тўланаётгани устидан назорат қилиб бордилар. Туманлардаги бўлимлар эса хўжаликлар ҳисоб-варақасига пулнинг келиб тушишини таъминлайдилар.

Бозор иқтисоди шароитида кредит катта аҳамият касб этади. Чунки олинган қарз ҳисобига корхоналар харидорбоп маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўяди. Янги корхоналар вужудга келади, ишчи ўринлари яратилади. Буни ўз вақтида англаган бошқарма ходимлари тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва уларга кредит ажратишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Масалан, ўтган ўн ой ичида кичик ва ўрта бизнес субъектларига банк ўз маблағи ҳисобидан 460 миллион сўмдан зиёд кредит берди. Бунда бошқарманинг Хатирчи туман бўлими бошқаларга ўрнак бўлди. Туман бўлими 74 миллион сўмдан зиёд қарз ажратиб, тадбиркорларга мадад кўрсатди. Ишбилармонларга қарз бериб туриш натижаси ўлароқ вилоятда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариши кўпайиши билан бирга 208 та янги иш ўрни яратилди.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлашда банк деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесга кўмаклашиш «Бизнес фонд», Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бунинг натижасида шу йилнинг 9 ойи ичида тадбиркорларга бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан 140 миллион сўмга яқин кредит ва микрокредитлар ажратилди.

Тадбиркорларнинг ишини енгиллаштириш ва уларни ахборотлар билан таъминлаш борасида ҳам бирмунча ишлар қилинди. Жумладан, бошқарма ва унинг туман бўлимларида ишбилармонлар бурчаклари ташкил этилган. Улар тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, кредит бериш бўйича йўриқномалар, уларни расмийлаштириш намунавий нусхалари акс эттирилган.

**Ғулом ЮСУПОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**




Ангрен шаҳридаги «Элерем» шўъба корхонасида 220 нафар ишчи меҳнат қилади. Корхона 500 дан ортиқ ташкилотлар билан шартнома асосида фаолият юритмоқда. Ҳозирда бу ерда турли ҳажмдаги электр двигателлари ва генераторлар сифатли таъмирланмоқда.

**Суратларда: ўз касбининг усталари Сергей Белендир ва Игор Панкратов; ишчи Эмилия Беркмиллер.**

**Ғ.ХИДИРОВ олган суратлар.**

*Ижтимоий ҳимоя*

# ҲАЗРАТИ ИНСОННИ УЛУҒЛАБ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг III-қурултойи қарорини бажариш бўйича тармоқда пухта тадбирлар ишлаб чиқилган. Ушбу тадбирларда асосан меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялаш, маънавий ва маърифий ишларни жонлантириш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, уларнинг меҳнат шароитини янада яхшилашга қаратилган бир қатор масалалар белгилаб қўйилган.

Жойларда қабул қилинган жамоа шартномаларига ўтган йили 750 дан зиёд кам таъминланган ва кўп болали оилаларга 1 миллион 293 минг сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, шу йилнинг ўтган олти ойи мобайнида эса болалар парвариши билан банд бўлган 250 нафардан ортиқ аёлларга кўрсатилган моддий ёрдамнинг миқдори 20 миллион 621 минг сўмни ташкил қилди. Касаба уюшмалари ва маъмуриятларнинг ўзаро келишувига асосан энг кам иш ҳақининг Фарғона ва Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводларида, 1-қурилиш-таъмирлаш бошқармасида, Фарғона электр тармоқлари корхонасида, «Фарғонанефт» ОАЖда икки, «Қўқонспирт» АЖда бир ярим баробари миқдоридаги нафақалар ой сайин тўлаб келинмоқда. Зарарли меҳнат шароитларида ишловчиларнинг 12 минг нафари ўтган йил давомида иш берувчилар томонидан бепул тиббий кўрикдан ўтган бўлса, ушбу йилнинг олти ойида яна 7 минг нафар ишловчилар ўз соғлиқларини тиббиёт ходимлари назоратидан ўтказиб олиш имкониятига эга бўлишди.

«Нефтгаз холдинг» компаниясига қарашли корхоналарда хизмат қилувчи ишчи-ходимларнинг болалар боғчаси учун тўлайдиган маблағнинг 20 фоизи иш берувчи ташкилотлар томонидан қопланмоқда. Бундан ташқари тўй ва бошқа маросимларда ишчиларга қўшимча таътиллар берилмоқда. Меҳнат таътилига чиқаётган ҳар бир ходимга ойлик маош миқдорида моддий ёрдам ажратилаётганлиги ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Ишдан ажралмаган ҳолда шартнома асосида олий ва ўрта махсус юртларида таълим олаётган 220 нафар ходимга 55 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Ёш болали 85 нафар аёлларга қисқартирилган иш куни белгиланган. Электр тармоқлари корхоналарида зарарли меҳнат шароитларида ишловчи 2600 нафардан зиёд ходимларга олти ойда 5 миллион сўм қўшимча маошлар тарқатилди. Фахрий ва илғор ишчи-хизматчиларнинг соғлиқларини тиклаш учун олти ойда 14 миллион 589 минг сўм маблағ сарфланди.

Қўқон ва Чимёнда механика заводлари, «Нефтмаҳсулотлари» корхонаси, «Қўқонспирт» ОАЖ каби ташкилотларда аёлларнинг туғиш таътиллари ҳомиладорликнинг 6 ойидан бошлаб берилмоқда.

Қарияларни қадрлаш йилида кексаларга, асосий эътиборни қаратганмиз. Бу борада жойлардаги касаба уюшма қўмиталари маъмуриятлар билан ҳамкорликда сезиларли ишларни амалга оширишмоқда. Жумладан, «Фарғонанефтни қайта ишлаш» корхонасида 690 нафар пенсионерга 3 миллион 450 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, 32 нафар қарияларнинг яшаш шароитини янада яхшилаш учун етарли маблағ ажратилди. Шунингдек, Фарғона иссиқлик-энергия маркази, «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Қўқонспирт» ОАЖ, Олтиариқ нефтни қайта ишлаш корхонаси, «Фарғонанефтмаҳсулотлари» корхонаси, «Газпармалаш» бошқармаларида ҳам мақтовга лойиқ тадбирлар амалга оширилди.

Меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашдаги ютуқларимиз билан бир қаторда камчиликлардан ҳам ҳоли эмаслигимизни эътироф этиб ўтишимиз лозим. Тармоқ қўмитамиз таркибига кирувчи бир нечта корхона ва ташкилотларда иш ҳақидан қарздорлик мавжудлиги ҳеч муроса қилиб бўлмайдиган ҳолатдир.

Масалан, Фарғона кимё корхонасида, «Пластмасса» илмий-текшириш институтида, 2-қурилиш-таъмирлаш бошқармасида, Кимёвий толалар корхонасида, «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа айрим жойларда меҳнаткашларга 2 ойдан 4 ойгача бўлган маошлар вақтида берилмай келинмоқда.

Ушбу салбий ҳолатга барҳам бериш учун бир қанча чора-тадбирларни амалга оширяпмиз. Иш ҳақидан қарздорлик масаласида тегишли вазирликларга 20 та мурожаат хати билан чиқдик. 70 та хўжалик раҳбарларига эътирознома берилди. «Пластмасса» илмий-текшириш институти маъмурияти белгиланган тартибда чоралар кўриш учун хўжалик судига берилди. «Ўзкимёсаноат» уюшмасига қарашли ташкилотларда 1860 кишига маъмурият айби билан бекор туриб қолган кунлари учун 22 миллион сўмдан зиёд ўртача иш ҳақи ундириб берилди.

Бозор иқтисодига ўтиш жараёнида меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, дам олдириш асосий вазифаларимиздан бирига айланган. Вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитаси томонидан ажратилган имтиёзли йўлланмалар билан кейинги икки йилда 673 нафар меҳнаткашлар санаторий, дам олиш уйлари ва даволаш масканларида ўз саломатликларини тикладилар. Ишдан ажралмаган ҳолда тармоқ тизимидаги ташкилот ва корхоналарда мавжуд бўлган 4 та санаторий-профилакторийда 4643 нафар ишчи-хизматчи соғломлаштирилди.

Шаҳар ташқарисида жойлашган «Тонг», «Нефтчи» ва мактаблар қошида ташкил этилган оромгоҳларда шу йил меҳнаткашларнинг 2800 нафар фарзандлари соғломлаштирилди. Шунингдек, тармоғимиздаги болалар оромгоҳларида Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан Қорақалпоғистондан келган 203 нафар ўқувчи соғломлаштирилди.

Шу йилнинг ўтган 9 ойи давомида меҳнаткашлардан 16 та ёзма, 65 та оғзаки мурожаатлар рўйхатга олинди. Ушбу аризалар мутахассисларимиз томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди ва уларни ижобий ҳал қилиш учун чора-тадбирлар кўрилди.

Тармоқ тасарруфидаги маданий масканларда ишчи-хизматчиларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари, уларнинг дунёқарашини янада бойитиш учун қатор тадбирларни амалга оширяпмиз. «Қариси бор уйнинг париси бор», «Нуронийлар – фахримиз» мавзуларида давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилди.

**Сафура МЎМИНОВА,**
**Ўзбекистон ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма Фарғона вилоят қўмитаси раиси.**

«Хўжаободмевақуритиш» акциядорлик жамияти тўла лойиҳа қувватига эришди.

- «Иттифоқсаноат» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси билан тузилган ўзаро фойдали шартнома ушбу ижобий натижаларни қўлга киритишга туртки берди, - деди акциядорлик жамияти раҳбари Ҳабибулло Назаров «Туркистон-пресс» мухбирига. - Эндиликда Италиянинг «Сандвик» фир-

## ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТ

масида ишланган сабзавотларни қуритувчи иккита линия фаолият кўрсатмоқда. Россиянинг шимолий минтақаларида қуритилган пиёз, укроп, булғор қалампири, карам ва сабзиларга талаб ниҳоятда катта.

АЖ раҳбарининг таъкидлашича, шу йилнинг октябр ойига қадар корхона атиги 600 тонна сабзавотни қайта ишлашга қабул қилганди. Ишлаб чиқариш линияларининг тўла қувватга ўтиши йил охиригача 1,5 минг тонна сабзавотни қабул қилиш имконини беради.

Россиялик шериклар билан ҳамкорлик, тўлалигича экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш туфайли жамоа иш ҳақи, электр энергия, газ ва хомашё бўйича қарзларидан батамом қутулди. Ишнинг уч сменада ташкил этилиши яна 150 кишини меҳнатга жалб этишга имкон берди.

**«Туркистон-пресс»**

## ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси йил бошидан буён вилоятнинг ўн бешга яқин шаҳар ва туманларидаги йирик поликлиникаларда геронтология хоналари ташкил этди. Бу хоналарда мутахассислар кексаларда учрайдиган хасталикларни аниқлаш ва даволаш билан шуғулланмоқда.

Айни пайда Янгийўл, Оҳангарон, Зангиота, Чиноз туманларида фаолият кўрсатаётган шифокорлар хизматидан кексалар мамнун.

**(ЎзА)**

*Ислоҳот мевалари*

# ИЛМ АҲЛИ ЭЪТИБОРДА

Қаерда қулай шароит яратилса, ўша ерда меҳнатда унум бўлади. Бу борада Наманган давлат университетида бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Шартнома келишувига биноан, олийгоҳ қошидаги «Ёшлик» санаторий-профилакторийси ва бошқа сиҳатгоҳлар ҳамиша дам олувчилар билан гавжум.

— Йўлланманинг ўртача қиймати 36000 сўмни ташкил этади, - дейди касаба уюшма қўмитаси раиси М.Бадалов. — Бундан талабалар атиги 8 фоизини, ишчи - ходимлар эса 15 фоизини тўлайди. Университет жамоасига биринчи ярим йилликда меҳнаткашларни рағбатлантириш мақсадида 1,1 миллион, моддий ёрдам учун эса 1,3 миллион сўмлик маблағ ажратилди. 72 нафар фахрийга 720 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 6 нафар ходим бепул йўлланма билан санаторийларда дам олдирилди.

Бу ерда «Талаба - ёшлар қайта таъмирлаш бригадалари» тузилган бўлиб, улар имкон қадар моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турилибди. Турли хизматлар кўрсатиш гуруҳлари томонидан ишлаб топилган маблағ талабаларнинг ижтимоий ҳимоясини яхшилашга сарфланмоқда.

Соғломлаштиришнинг муҳим йўналишларидан яна бири, бу жамоани оммавий спорт турлари билан доимий шуғулланишига шароит яратиб бериш ҳисобланади. Катта спорт ўйинлари, теннис, бокс, шоҳмот-шашка зали ва доимий ижарадаги «Спартак» ўйингоҳи, сузиш ҳавзаси талабалар ихтиёрида. «Универсиада - 2000» тадбирида чемпион, «Универсиада - 2002»да фахрли 2-ўрин эгаллангани университетда спортга катта эътибор берилаётгани далолатдир.

Университетдаги барча тадбирлар касаба уюшма қўмиталарининг фаол иштироки билан амалга оширилади. Республика таълим тизимида кўп йиллик тажрибага эга бўлган касаба уюшма фаоллари билан доимий алоқада, тажриба алмашувлар жамоада олиб борилаётган ижобий, хайрли ишларга доимий кўмак бериб келмоқда.

**А. СОҲИБОВА.**

*Қонун барчага баробар*

***Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Сурхондарё вилоят қўмитасига Қумқўрғон туман халқ таълими бўлимига қарашли «Райҳон» болалар боғчаси мудираси Дилбар Ҳамзаева томонидан ариза келиб тушди. Аризанинг мазмуни қуйидагича эди.***

# ШИКОЯТ ТЕКШИРИЛДИ, АДОЛАТ ЎРНАТИЛДИ

«Мени «Райҳон» болалар боғчаси мудиралигига халқ таълими бўлими мудири Х.Бегимқулов касб-ҳунар коллежида кутубхоначи бўлиб ишлаб юрганимда расмий хат билан чақириб олди. Дастлаб иш фаолиятим яхши кетаётганди. Лекин қисқа вақт ичида собиқ мудира А.Манъянова ота-оналарни, тарбиячиларни менга қарши қўя бошлади. Ўзбошимчалик билан йиғилишлар ўтказиб ишдан кетишимни талаб қилди. Унинг бундай хатти-ҳаракатлари тўғрисида халқ таълими бўлими мудирига батафсил ахборот бердим. Шунда у илгариги ишимни давом эттириб туришимни айтди. « – А.Манъянова вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғига учрашибди. У ишлайди, юқорининг топшириғини бажармасдан иложим йўқ. Сизга жавоб, иш йўқ», деди.

Шундан бери адолатни тиклаш учун идорама-идора сарсон бўлиб юрибман. Адолат тантана қилишида ёрдам берасиз деган умиддаман...»

Шундан сўнг малакали мутахассислар иштирокида мурожаатнома батафсил ўрганишга киришилди.

Туман халқ таълими бўлими мудири томонидан 2001 йил 17 апрелда касб-ҳунар коллежида кутубхоначи вазифасида ишлаётган Д.Ҳамзаева 281-сонли алоқа хати билан «Райҳон» болалар боғчаси мудираси лавозимига тавсия этилаётганлиги сабабли ишидан чақиртирилиб олинган. Ўша вақтдан бошлаб унга вақтинча мудиралик вазифасини бажариб туриш учун буйруқ чиқарилган. Ва 1 май 2001 йилда бекор қилинган. Маълум бўлишича, иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат шартномаси тузилмаган. Бошқа керакли ҳужжатлар ҳам талаб қилиб олинмаган.

Муассаса раҳбарлигига тавсия этилаётган ходимнинг номзоди туман ва вилоят халқ таълими бошқармасида тасдиқлаш учун кўрсатилмаган. Боз устига, мудира бўлиб ишлаган кунлари учун иш ҳақи ҳисобланмаган.

Аниқланган ҳолатлар бўйича Меҳнат Кодексининг 9-моддасига асосан, қонун бузилишини бартараф этиш мақсадида туман халқ таълими бўлими мудирига талабнома киритилди.

Боғча мудирасини ишга қабул қилишда ва ишдан бўшатишда Меҳнат Кодексининг бир қатор моддалари талаблари қўпол равишда бузилганлиги кўрсатилди.

Вилоят тармоқ касаба уюшмалари меҳнат ҳуқуқи нозирларининг саъй-ҳаракатлари натижасида адолат қарор топди.

**Р.ДАВЛАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига биноан шу йилнинг 15 ноябридан мамлакатимизда «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» бошланади.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширишга қаратилган мазкур тадбир давомида талай чора-тадбирлар ўтказилиши мўлжалланмоқда. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар объектларини ҳамда уй-жой фондини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш, республиканинг тоифаланган ва ўта муҳим объектларида ёнғин хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш шулар жумласидандир.

Фармойишга биноан мазкур тадбир давомида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг ойликни ташкил этиш ва ўтказиш комиссиялари фаолият кўрсатади. Тадбирга ёнғин хавфсизлигини таъминлашга дахлдор барча идоралар жалб этилади.

**(ЎзА)**

*Орамиздаги одамлар*

# ЧЎЛИ БОБО НАБИРАЛАРИ

***Йиллар, ойлар ўтса, ватан топса сайқал,***
***Боғларда очилса сўлмас лолалар.***
***Шу жойлар чўл эди десак бир маҳал,***
***Ишонармикансиз болалар.***

**Абдулла Ориповнинг «Чўли бобонинг набираларига дегани» шеъридан.**

Дашти Файзобод ариғининг бош мироби Чўли Бегимқулов 1930 йилда бир неча майда хўжаликлар бирлаштирилиб, йириклаштирилган жамоанинг раислигига сайланди. Иқтисодий аҳволи оғир, кун кечириш қийинлашган дамлар эди.

Асли деҳқондан чиққан эмасми, у одамлар турмушини фаровон қилиш тўғрисида ўйлади.

Қарийб ўттиз йил катта хўжаликни бошқарган Чўли бобонинг эл оғзида достон бўлган фазилатлари кўп эди. Танти ва мард, бир сўзли, халқ фаровонлигини шахсий манфаатидан устун қўядиган ажойиб инсон эди, раҳматлик. Доимо одамлар, уларнинг бола-чақаси, рўзғори ҳақида қайғурар эди. Камбағал оилаларнинг фарзандларидан бир нечтасини олийгоҳга етаклаб борганлигини қишлоқдошлари ҳамон алқаб гапиришади.

Отанинг Қарши шаҳри яқинидаги «Лағмон» қишлоғида Самар Аминов деган ошнаси бўларди. Вилоят марказига келса Чўли бобо албатта унинг хонадонига қўниб ўтарди. Қишлоқ оқсоқолларининг хотирлашича, ҳар келганида Самар акадан 4-5 қоп майиз, туршак ва битта қўйнинг гўштини олиб йўл-йўлакай миробларга тарқатиб кетарди.

Саховатпешалик, қалби дарёлик, одамларга меҳр-муҳаббат каби инсоний фазилатлар Чўли отанинг шогирдларига ўтган. Ҳозирги пайтда Нишондаги йирик жамоа ширкат хўжалиги отанинг номига қўйилган.

Қарши даштларини ўзлаштиришга катта ҳисса қўшган Сувон Баратов, Тоҳир Эргашев, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўлида самарали меҳнат қилган Абил Раҳимов, Раҳмат Жалилов, Худоёр Севаров, Райим Қурбонов отанинг ўғли Иброҳим Чўлиев каби фидойилар Чўли бобо бошлаган қутлуғ ишларни давом эттирмоқдалар.

Тажрибали иқтисодчи Тойир Каримов раҳбар бўлган Чўли ота номли жамоа-ширкат хўжалиги 2776 гектар майдонда деҳқончилик қилмоқда. Бултур 560 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 34 центнердан хирмон кўтарилди.Бу йил ҳосил янада баракали бўлди. Тўймурод Эрназаров, Зиёд Бозоров, Мейлибой Турсунов, Ҳамро Равшанов бошлиқ бригадаларда пахтадан улкан хирмон яратилди.

Мавжуд 861 гектар ғалла майдонда 3238 тонна дон етиштирилди. Режани ошириб бажарганларга иш ҳақидан ташқари 90 тонна, аҳолига 471 тонна ғалла тарқатилди. Қирқдан ортиқ кам даромадли оилаларга 5 тонна ғалла берилди.

Деҳқончилик илмини пухта эгаллаган Али Ёрқулов бошлиқ пудратчилар ҳосилдорликни гектар бошига 63 центнерга, Акмал Абруев жамоаси 54 центнерга етказди. Умумий даромад 742 миллион 230 минг сўмни ташкил этди. Шундан 77 миллион 445 минг сўми соф фойдадир. Иш ҳақига 137 миллион, мукофотга 8 миллион 874 минг сўм тарқатилди. Акциядорларга 5 миллион 251 минг сўм дивидент берилди.

Хўжалик маркази гўзал ва обод. 4 та мактаб, 3 та болалар боғчаси, 500 ўринли клуб, сартарошхона, ошхона ва бошқа маданий-маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари ишлаб турибди.

... Қишлоққа оқшом чўкди. Дашти Файзобод кечалари сўлим ва файзли. Қўшни хонадондаги икки ёшнинг бахт оқшомида «Ёр-ёр» янграмоқда. Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Турди Самадовнинг ҳикоя қилишича, ҳозирга қадар юзга яқин янги оила вужудга келибди. Бу ҳам рўшнолик ва бахтиёрлик нишонаси. Тўйлар тўйга уланиб, бахтиёр хонадонларда Чўли бобонинг невара-чеваралари дунёга келмоқда.

**И. ИСОМИДДИНОВ.**

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига*

***Ҳар қандай мустақил давлат ўз Конституциясига эга. Шу боис, жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида қабул қилинади. Бу ҳуқуқий ҳужжатлар адолатли, инсонпарвар ва халқаро талабларга жавоб бериши учун аввало, Бош Қомус нормаларига мос бўлиши керак.***

# БАРЧА ҚАДРИЯТЛАРНИ ЎЗИДА АКС ЭТТИРГАН

Ўзбекистон мустақиллигининг самараси бўлмиш биринчи Конституциямиз халқимизнинг мустақиллиги, ҳурфикрлиги, барча инсоний ҳуқуқларга тўла эришиб, ўз диёрида ҳуқуқий демократик давлат қуриш имкониятини таъминлаш борасидаги миллий-тарихий ҳужжат ҳисобланади. Ўзбекистон Конституцияси инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 30 та моддасида киритилган барча қадриятларни ўз ичига қамраб олиб, энг мукаммал суратда уларни акс эттириши билан, жаҳоннинг йирик ва демократик давлатлари асосий қонунлари қаторида ўзига муносиб ўрин тутади.

Конституциямизнинг муқаддимасида Ўзбекистон халқи ўзининг инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига содиқлиги, халқаро ҳуқуқнинг умумтаъриф этилган қоидалари устунлиги, инсонпарвар демократик давлат барпо этиш, фуқароларнинг тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлашни мақсад қилиб қўйганлиги қайд этилган. Ўзбекистон Конституциясининг энг муҳим томонларидан бири шундан иборатки, бу соҳада умумий принципларни зикр этиб ўтиш билангина чекланиб қолмай, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчларини ҳам алоҳида бобларда акс эттириб, уларнинг ҳимояси учун кафолат берилади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида зикр этилган инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари ифодасини Ўзбекистон Конституциясининг қуйидаги моддаларида яққол кўриш мумкин:

– тенг фуқаролик ҳуқуқи (21-модда);

– яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиш (24-модда);

– ҳар кимнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгалиги, қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин




эмаслиги (25-модда);

– ҳеч кимнинг қийноққа солинмаслик ва айби аниқланмагунча айбдор ҳисобланмаслик ҳолати (айбсизлик презумпцияси), (26-модда);

– фуқароларнинг турар жой, телефон ёзишмалари дахлсизлиги (27-модда);

– сўз, фикр, эътиқод эркинлиги ва уни тарқатиш ҳуқуқи (29-модда);

– дин ва виждон эркинлиги (31-модда);

– фуқаролар учун жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи (32-модда);

– ҳар бир шахснинг мулкдор бўлиш ва эркин касб танлаш ҳуқуқи (38-39-моддалар);

– қонунга мувофиқ сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари ташкил этиш (56-модда);

– сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи (117-модда) ва шунингдек бошқа моддаларда халқаро миқёсда эътироф этилган инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари ўз муносиб ўрни жуда аниқ ва ҳар томонлама акс эттирилиб, Конституция ва бошқа қонунлар билан кафолатланган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг учинчи моддаси: инсон ва фуқароларнинг яшаш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига бағишланган. Бу қоида Ўзбекистон Конституциясининг 24-25-моддаларида:

– «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир», шунингдек, «Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга» деб таъкидланади.

Юқорида берилган қисқа мисолдан кўриниб турибдики, Ўзбекистон асосий қонунида инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг барча қадриятлари етарли даражада ва баъзи ҳолларда декларацияга нисбатан тўлароқ шаклда ифода этилиб ҳимоя қилинган.

Масалан, 24-моддада «Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир» ибораси билан инсоннинг яшаш ҳуқуқи ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи жиддий суратда асосий қонун билан ҳимоя остига олинган.

Хулоса қилиб айтганда, биз 10 йиллигини нишонлайдиган мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси барча демократик қоидалар, умуминсоний ва миллий қадриятларга асосланиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган барча давлатлар томонидан тасдиқланган инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг барча қадриятларини ўзида акс эттирган, миллий-тарихий ҳужжатдир.

**Отабек НОРЗИЕВ,**
**ТДЮИ Юридик клиника консультанти.**

*Бор бўл, оқибат!*

***Туман Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси халқимизнинг энг яхши анъаналарини эъзозлаш, оммалаштириш, ёш авлодни ватанпарварлик, истиқлолга садоқат руҳида тарбиялаш шунингдек, ёрдамга муҳтож, кўп болали оилалар, ёлғиз кексаларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда. Бунда ҳуқуқий органлар ва жамоат ташкилотлари билан ўрнатилган ҳамкорлик қўл келмоқда.***

# ЭЪЗОЗ

«Кекса авлоднинг маънавий тажрибаси» мавзусида ёшлар ўртасида жамоа хўжаликлари, ўқув муассасаларида суҳбатлар, учрашувлар ташкил этилмоқда. Зеро, фаолиятимизда қарияларни қадрлаш муҳим ўрин тутади. Масалан, 89 нафар қариянинг соғлиги ва моддий аҳволидан мунтазам хабардор бўлинмоқда. Улар 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланяпти. Ўзгалар парваришига муҳтож 72 нафар ёлғиз кексага 14 нафар ижтимоий хизмат ходими бириктилган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидан 172 нафарига дори-дармонлар бепул тарқатилди. 289 нафар ёрдамга муҳтож кексаларга ҳомий ташкилотлар томонидан моддий ёрдам ва совғалар берилди. «Семашко» сиҳатгоҳида баъзи табаррук кишилар дам олиб қайтди. 100 ёшдан ошган 37 нафар кекса отахон ва онахонга эса алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатилаётир. Улар тадбирларимизда қатнашиб, ўз тажрибалари билан ўртоқлашмоқдалар.

«Қарияларни қадрлаш йили» Давлат дастурини бажариш мақсадида барча маҳаллаларимизда «Ибратли қарияларимиз», «Энг фаол маҳалла раиси» каби кўрик-танловлар ўтказилиб, ғолиблар қаторида ҳурмат-эътиборга лойиқ инсонларга, қарияларга эсдалик совғалари топширилди. Дарвоқе, Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан яна бир хайрли ишга қўл урилди. Ширкат хўжаликларида ҳар ҳафтанинг жума кунида «Қариялари қадрланган юрт» деб номланган тадбирларга ташкиллаштирилмоқда. Мазкур тадбирга бугунги кунда ўзларининг беминнат маслаҳатлари билан ёшларга бош-қош бўлиб келаётган меҳнат фахрийлари, кексалар таклиф қилинади. Туман маданият уйи санъаткорлари томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш этилиб, ош тортилади. Шунингдек, «Наврўз» хайрия ва «Маҳалла» жамғармалари ҳамда туман касаба уюшма қўмитасининг эсдалик совғалари топширилади.

**И.БОЛТАБОЕВ,**
**Шовот тумани Оқсоқоллар кенгаши «Маҳалла» жамғармаси раиси.**

## ЛАНГАР ДОВРУҒИ

Хатирчи туманида «Лангар-ЎзРос» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси иш бошлади. Хориж технологияси билан жиҳозланган корхона йилига 4,5 минг кубометр гранит харсанглари, 30 минг тонна шпат ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватига эга.

Айни пайтда бу ерда 200 нафар йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Қўшма корхонанинг дастлабки 24 минг АҚШ долларилик гранит харсанглари Москва шаҳрига ҳамда Фарғона, Қувасой, Самарқанд чинни ва керамика заводларига етказиб берилди.

- Янги йилдан кварц, шпат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳам бошлаймиз,- дейди қўшма корхона раҳбари Абдуваҳоб Абдуллаев. - Келгусида маҳсулотнинг асосий қисмини хорижга экспорт қилишни режалаштирганмиз.

**(ЎзА)**

# САЙЁРАМИЗ САДОСИ

## БМТ ТАКЛИФЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотида айни пайтда муҳим адлиявий масала ҳисобланган айбдорларга нисбатан қийноқ чораларини қўллаш жараёни муҳокама этилди. Бу борадаги лойиҳага биноан эндиликда жойларда ушбу хатти-ҳаракатларни текширадиган махсус комиссиялар тузилади. Улар исталган мамлакатдаги маҳбуслар сақланадиган ҳибсхоналарга кириб, жиноятчилар устида қийноқ тадбирлари қўлланилганми, йўқми сингари ҳолатларни ўрганиш ҳуқуқига эга бўладилар. Аммо айрим давлатлар бундай саъй-ҳаракат айни мамлакатнинг конституциясига зид бўлиши мумкин, деган нуқтаи назарни илгари сурдилар. БМТ Бош Ассамблеясида мазкур ҳужжат маъқулланса, жаҳондаги камида 20 давлат уни ратификация қилиши лозим. Ана шунда мазкур резолюция қонуний кучга киради. Янаги йилда бўладиган Бош Ассамблеяда мазкур ҳужжатнинг тасдиқланиши кутилмоқда.

## МУНОСАБАТЛАР МАСАЛАСИ

Белгия пойтахти Брюссел шаҳрида Оврўпо Иттифоқининг саммити бўлиб ўтди. Унда Литва – Болтиқ денгизи – Калининград шаҳри орқали муносабатлар ўрнатиш масаласи муҳокама этилди. Унда иштирок этган мамлакатлар вакиллари бундай мулоқотни ижобий йўлга қўйиш самарали натижалар келтиради, деган фикрни изҳор қилдилар. Бундан ташқари ушбу саммитда давлат бошлиқлари халқаро терроризмга қарши биргаликда кураш олиб бориш хусусида ҳам фикр алмашдилар.

Брюссел саммитини осойишта ўтказиш ва унинг иштирокчилари ҳаётини сақлаш мақсадида юзлаб полициячиларни жалб этдилар.

## ОГОҲЛАНТИРИШ ЗАРБАЛАРИ

Ироққа нисбатан ҳарбий ҳужум бошлаш масаласи ҳамон долзарб бўлиб турибди. Унинг натижаси мазкур мамлакат раҳбарияти томонидан БМТ Хавфсизлик Кенгаши резолюцияларида қўйилган талабларга боғлиқ бўлиб қолди. Ироқ парламентининг куни-кеча бўлиб ўтган навбатдан ташқари мажлисида ҳам ушбу муаммо муҳокама этилди. Лекин, шу орада АҚШ ва Буюк Британия самолётлари Ироқнинг ҳаво ҳужумидан мудофаа нуқталарига огоҳлантирувчи зарба бердилар. Бағдоддан 150 км жануби-шарқдаги Ал-Кут иншооти ана шундай ҳужумга учради.

## «АЛ-ҚОИДА» ТАН ОЛДИ

Маълумки, Индонезиянинг дам олиш минтақаларида Балий ороли марказида катта террорчилик ҳуружи амалга оширилган эди. Унда 180 нафардан ортиқ киши қурбон бўлди. Шу муносабат билан яқинда машъум «Ал-Қоида» ташкилоти баёнот бериб, юқоридаги фожеани амалга оширишда жавобгарликни ўз зиммасига олди. Баёнотда бошқа жиноятлар, хусусан, Тунисдаги сенагогга ўт қўйиш, Яманда икки кемани портлатиш, Қувайтдаги Фиалка базасига босқинчилик уюштириш каби тажовузкорликлар ҳам «Ал-Қоида» қўли эканлиги айтилди.

## БАДАРҒАГА УЧРАГАН МУҲОЖИР

Ишлари юришмагач, Чеченистоннинг собиқ юқори мартабали арбоблари жаҳоннинг турли мамлакатларида бошпана излаб, сангиб юрибдилар. Улардан бири Чеченистоннинг собиқ президенти Зелимхон Яндарбиевдир. У анчадан бери қўшни Туркияда истиқомат қилмоқда эди. Лекин кейинги кунларда Чеченистоннинг хориждаги собиқ раҳбарларига нисбатан очиқ айбномалар қўйилганлиги боис, уларнинг ҳаёти яна бир бор ўрганила бошланди. Натижалар кўнгилдагидек бўлиб чиқмади чоғи, Туркия ҳукумати ушбу мамлакатда қўним топган собиқ президент Зелимхон Яндарбиевни мамлакатдан бадарға қилиш ҳақида қарор қабул қилди.

## Ё, ТАВБА!

Оммавий ахборот воситалари шарҳчиларининг кузатишларига қараганда, ҳозирга келиб эркаклар ҳам гўзаллик ҳақида жиддий бош қотирадиган бўлиб қолишибди. Бугунги кунда косметолог жарроҳларга мурожаат этаётганларнинг 30 фоизини эркаклар ташкил этмоқда. Франциялик косметолог-жарроҳ Сильвия Абрахамнинг гапларига қараганда, эстетик жарроҳга мурожаат қилувчи эркаклар кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Бундай операцияларни бошидан кечириб, юзлари ва бўйинлари терисини торттирганлар орасида машҳур артистлар – Майкл Жексон, Арнольд Шварцнеггер, Силвестер Сталлоне, Ал Пачинолар бор.





## САМАРҚАНД МАКТАБЛАРИГА ЯПОНИЯ ГРАНТЛАРИ

Тошкентдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Самарқанд шаҳридаги 3 та мактаб ва шу вилоятдаги Пахтачи ва Ургут туманларидаги 2 та мактабни жиҳозлаш учун Япония ҳукуматининг беғараз ёрдам йўналиши бўйича грант шартномалари имзоланди. Ушбу мақсадларга 170,4 минг доллар маблағ ажратиладиган бўлди.

— Мазкур грантлар мактабларни компьютер техникаси ва қўлланмалар билан жиҳозлашга хизмат қилибгина қолмай, балки Самарқанд иқтисодиётининг ривожланишига ҳам кўмаклашади. Чунки парта, доска ва бошқа мебеллар шаҳар корхоналаридан сотиб олинади, - деди тантанали тадбирда сўзга чиққан Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Кавато Акио. – Элчи шунингдек, бундай ёрдамлар қачон келишини кутиб ўтирмасдан, ўқув муассасаларини таъмирлаш ва жиҳозлаш учун маҳаллий заҳиралардан фойдаланишга даъват этди.

Тадбирда сўзга чиққан Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлиддинов миннатдорчилик билдириб, икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар тобора ривожланиб бораётганлигини қайд этди.

**«Туркистон-пресс»**



# ОБУНА ДАВОМ ЭТМОКДА

Матбуот — ҳаёт ойнаси. Буни Назира Очилова яхши тушунади. Чорак асрки, у «Матбуотчи» очиқ ҳиссадорлик жамиятида газета дўкони мудираси вазифасида фаолият кўрсатади. Обуна қизғин кетаётган айни кунларда опа ҳам мижозлари ўртасида тарғибот ишларини кучайтирмоқда. Ҳар бир нашрнинг шакли-тамойили ва мазмуни унинг рекламаси, дейди у.

***Суратларда: Шаҳрисабз туманидаги Амир Темур номли ширкат хўжалиги меҳнаткашлари; матбуот жонкуяри Назира Очилова.***

**Шавкат СУЛТОН олган суратлар.**



*2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили*

# ШОГИРДЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

***— Мустақиллик шарофати билан умримизнинг кексалик дея аталмиш осуда кунларида ҳам ажойиб дамларни бошимиздан кечираяпмиз. Энг муҳими, шогирдлар билан бақамти туриб Ангор туман аҳолисининг саломатлиги йўлида кеча-кундуз ишлаб турибмиз, — дейди «Таллимаржон» қишлоқ врачлик амбулаторияси ҳакими Парда Юлдашев.***

Албатта шогирд учун устоз ўгити, унинг беминнат маслаҳатлари фойдадан ҳоли эмас. Бу ёшлар билан бир сафда хизмат қилаётган пенсионерларимиз мисолида яққол кўзга ташланади. Марказий шифохона тасарруфидаги қишлоқ врачлик амбулаторияси, болалар ва катталар поликлиникаси, туғруқхона, ички касалликлар, «Тез ёрдам», реанимацияси каби бўлимларда айни кунларда нафақадаги 30 нафар кексалар ишлаб турибди. Амалдаги қонунлар ҳамда «2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастурига асосан, қабул қилинган жамоа шартномасига махсус боблар йил бошида киритилган эди. Бугунга келиб, уларнинг барчаси бажарилди. Жумладан, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларига бепул саёҳат уюштирилди. Уларнинг электр энергияси, газ ҳамда сув тўловлари 100 фоиз туман марказий шифохонаси ҳисобидан тўланди. Ҳакимлар Асия Тухватуллина, Эшдавлат Воситов, Менгнора Муҳаммадиева, ҳамшира Асия Кистабоева, Бибигул Нурматова, Нафиса Хасанзянова, Зулхумор Жумаева, Рохила Тоштемирова кабилар «Турон», «Ботаника» ҳамда вилоят миқёсидаги «Сурхон», «Жайронхона» каби сиҳатгоҳларда бепул даволандилар. Ишловчи қарияларимизнинг иш ҳақларига 15 фоиз қўшимча ҳақ йил бошидан буён мунтазам равишда тўлаб келинмоқда. Марказий шифохонамизда қадр топган қарияларимиз касб байрамида қимматбаҳо совғалар ва 10 минг сўм билан мукофотланди. Шунингдек, «Устозим ва мен» — деб номланган тадбирда Тошбиби Ҳамроева, Лола Нуралиева, Зиёда Аҳмедова каби ўнлаб нуронийларимизга алоҳида иззат-ҳурмат кўрсатилиб, эсдалик совғалари топширилди.

**А.ҲАЙИТОВ,**
**Ангор туман соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.**

*Футбол*

# «НАСАФ» ЕНГИЛ НАФАС ОЛДИ

Қолдирилган ўйин – «Қизилқум» ва «Пахтакор» ўртасидаги учрашув муносабати билан «Сурхон»–«Қизилқум» жамоалари баҳси икки кунга кечиктирилган эди. Гарчанд бу матч Термизда ўтказилган ва унинг натижаси медал учун жиддий даъвогарлик қилаётган зарафшонликлар учун ҳам, олий лигадаги ўрнини сақлаб қолишга жонжаҳди билан курашаётган сурхондарёлик футболчилар учун ҳам бирдек муҳим бўлса-да, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, қашқадарёлик мухлисларни ҳам бефарқ қолдирмади.

Сабаби аён. «Андижон» командасини ўз майдонида мағлуб этган «Насаф» 57 очко билан учинчи поғанага кўтарилиб олган, лекин 55 очко билан кейинги ўринни банд этиб турган «Қизилқум» агарки «Сурхон»ни мағлуб этса, аҳвол яна ўзгариши мумкин эди. Лекин Қашқадарёнинг бош жамоаси ва унинг мухлислари бахтига ундай бўлмади. Муросасиз кечган ўйин дуранггa имзо чекиш билан ниҳоясига етди. Томонлар бир мартадан ўз дарвозаларидан тўп олиб чиқдилар ва ўз жамғармаларига уч эмас, бир очко қўшиш билан кифояланишга мажбур бўлдилар.

Шундай қилиб, турнир жадвалида ўринлар алмашуви юз бермади. Ҳамон вазият илгаригидек: «Қизилқум» тўртинчи, «Сурхон» эса 28 очко билан ўн биринчи поғонани эгаллаб турибди.

Мавсум охирлаган сари баҳслар тобора муросасиз тус олмоқда. «Қизилқум» яна учта ўйин ўтказса, «Сурхон» бор-йўғи икки учрашувдан сўнг сарҳисоб қилишга ўтиради... «Қизилқум» совриндор бўладими ва «Сурхон» олий лигадаги ўз ўрнини сақлаб қоладими, биз буни тез орада билиб оламиз.

*Болалар спорти*

***Жисмоний тарбия ва спорт инсон ҳаётида бемисл аҳамиятга эга. Чунки спорт жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, юрт келажаги, Ватан эртаси бўлмиш ҳам жисмонан, ҳам руҳан баркамол авлодни тарбиялашда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Пойтахт вилояти Қибрай туманида болалар спортини ривожлантириш борасида бир қатор таҳсинга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда.***

# ХАЙРЛИ ТАШАББУС

## Қибрай тумани мактабларида таэквон-до тўгараклари очилади

Яқинда Тошкент шаҳридаги МҲСК спорт залларида таэквон-до бўйича ўтказилган республика биринчилигида туман ёшлари — тажрибали мураббий Шуҳрат Ҳакимов шогирдларидан бир йўла ўн нафари мусобақанинг кумуш медали билан тақдирланди. Абдуазиз Абдуазимов, Элдор Бектоев, Саиджасур Саидқодиров, Исмадиёр Бейсенов, Севара Раимбоева каби ёш спортчиларнинг чиқишлари нафақат мухлислар, балки мутахассисларда ҳам илиқ таассурот қолдирди. Қолаверса, мамлакатимизнинг турли вилоятларидан ташриф буюрган бир ярим минг нафардан ортиқ ёш таэквон-дочилар орасида бундай кўрсаткичга эришиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бинобарин, мураббий, I ДАН қора белбоғ соҳиби Шуҳрат Ҳакимов билан суҳбатимиз мобайнида болалар спорти жонкуярлари фидойилиги билан туманда соҳадаги ишлар тўғри йўлга қўйилганлигига амин бўлдик.

— Мен асосан туманимиздаги 2- ва 15-мактаблар спорт базаларида таэквон-донинг ITF йўналиши ҳамда қўл жанги бўйича гуруҳларда машғулотлар олиб бораяпман. Мазкур гуруҳларда беш ёшдан ўн етти ёшгача бўлган болалар шуғулланишмоқда. Бундан ташқари, яна бир нечта мактабда мазкур спорт турлари бўйича тўгараклар ишлаб турибди. Натижаларимиз ёмон эмас. Жорий йилда Бухоро, Жиззах шаҳарлари ва пойтахтимизда бўлиб ўтган республика миқёсидаги мусобақаларда қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритдик. Шунингдек, ўзим ҳам катталар ўртасидаги мусобақаларда иштирок этаяпман. Август ойида Бухоро шаҳрида уюштирилган сўнгги мамлакат чемпионатида шоҳсупага кўтарилдим. Айни пайтда келгуси йили Польшада ўтиши кутилаётган жаҳон биринчилигига қизғин тайёргарлик кўряпман. Шу билан бирга АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳрида бўладиган халқаро турнирда ҳам қатнашиш ниятим бор.

**— Икки йилдан буён болаларга санъат ва спортнинг ажойиб уйғунлиги — таэквон-до сирларини ўргатаётган экансиз. Айтинг-чи, болалар билан ишлашнинг қандай ўзига хос жиҳатлари бор?**

— Биласизми, болалар билан ишлаш кишидан кўп нарса талаб этади. Энг аввало, улар қалбини тушуниш, уларнинг ўйлари, муаммоларидан хабардор бўлиш керак. Болалар билан муваффақиятли иш олиб боришда менга устозларим — республика Таэквон-до Федерацияси президенти, собиқ жаҳон чемпиони Пўлат ака Усмонов, Тошкент вилояти Таэквон-до Федерацияси вице-президенти Инна Хегай, «Динамо» спорт мажмуи йўриқчиси Ҳамза Қулматовларнинг маслаҳатлари қўл келмоқда.

Албатта, ҳар бир мураббийнинг энг улуғ нияти, улкан бахти — ўз шогирдларининг юксак муваффақиятларини кўриш. Лекин, менинг наздимда, гуруҳларимда шуғулланаётган болалар жисмонан соғлом, маънан етук бўлса, шунинг ўзи менга кифоя.

**— Сизларни қўллаб-қувватлаб турган ҳомийлар ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

— Туман ҳокими Саидхўжа ака Тошхўжаев ҳақиқий спорт ихлосманди. Шу боис ҳам ҳокимлик турли мусобақаларга бориб-келишда катта ёрдам кўрсатяпти. Шунингдек, Республика ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари қўл жанги Федерацияси (президенти, милиция генерал-майори Рустам Хўжаев) ва туман Ички ишлар бўлими ҳам ҳомийлик ёрдамларини аяшмаяпти.

Айтганча, туман ҳокимлиги ва юқоридаги ташкилотлар ташаббуси билан барча мактабларда таэквон-до тўгараклари очмоқчимиз. Шу ўринда, бизни қўллаб-қувватлаётган, қолаверса, мана шундай хайрли иш ташаббускорлари бўлганларга катта миннатдорчилик билдирмоқчиман.

**Камол ОЛЛОЁРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**



# МУЗЕЙЛАР – ТАРИХ КЎЗГУСИ

Юртимизда кўп асрлар муқаддам яратилиб, ҳанузгача кўрк очиб турган обидалар, осори-атиқалар халқимизнинг юксак салоҳияти, куч-қудрати, шонли тарихи ҳақида муайян тасаввур ва тушунчалар беради. Донишмандлар таъкидлаганидек, «Ғафлатда ётган халқни уйғотиш учун унинг тарихини уйғотиш керак». Бунда музейлар ўзига хос муҳим ўрин тутади.

Дарвоқе, музей атамасининг келиб чиқиши хусусида. Илк бор қадимги Юнонистонда илҳом парилари — музалар билан боғлиқ музеумлар пайдо бўлган. Лекин дунёда у бошқа турли номлар билан ҳам аталиб келинган. Масалан, Вьетнамда у «баота» — ёдгорликлар сақланадиган жой деб номланади. Қандай аталишидан қатъи назар музей, бу маданий, тарихий, табиий-илмий қадриятларни асраб-авайлаб, авлодларга етказадиган маънавият-маърифат ўчоғидир.

Ўзбекистон истиқлолга эришгандан сўнг музейлар фаолиятида «уйғониш» даври бошланди. 1994 йил 23 декабрдаги Вазирлар Маҳкамасининг «Республика музейлар фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борадаги эзгу ишлардан бири бўлди. 1998 йил 12 январдаги «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисидаги» Президент Фармонида эса музейлар зиммасига ўзбек халқининг бой маданий мероси, унинг инсоният тарихидаги ўрни, тараққиёт босқичларини ҳаққоний акс эттириш ҳамда замонавий ривожланиш истиқболларини чуқур ўрганиб миллий истиқлол ғояларига мос экспозициялар яратиш, сақланаётган ноёб экспонатларни жаҳон миқёсида тарғиб этиш вазифаси юкланди.

Ана шундай масъулиятли вазифани ўз елкасига олган даргоҳлардан бири Наманган вилоят ўлкашунослик музейи ҳисобланади. Ўзининг 80 йиллигини нишонлаш арафасида турган музейда вилоят тарихи, табиати, хўжалиги, санъати, этнография ва археологияси каби соҳаларга оид 61000 дан зиёд ашёлар сақланмоқда. Экспонатлар орасидан ўрин олган, вилоят ганчкорлари томонидан яратилган ажойиб санъат намуналари кишини ҳайратга солади, қалбда фахр-ифтихор туйғусини уйғотади. Санъат бўлимидаги «Чинор», «Фожеа», «Ширмонбулоқ тоғлари» каби тасвирлар эса ўйга толдиради, фикрлашга ундайди...

Музей ходимлари ташкилот, муассаса, ўқув юртларида ташкил этилаётган кўчма кўргазмалар ташвиқот-тарғибот ишларида муҳим аҳамият қасб этмоқда. Масалан, Чуст туманидаги 9-ўрта мактабда ўтказилган республика семинарида «Табиат», Наманган шаҳри 51-ўрта мактабда «Соғлом авлод учун», вилоят жамғармаси семинарида «Тарих» ва «Санъат» бўлимлари, тиббиёт коллежида ўтган тадбирда «Ҳозирги замон тарихи» бўлимлари ўзларининг кўчма экспозицияларини намойиш этдилар. Экспозициялар ёшларда катта таассурот қолдирди, уларнинг билим ва малакаларини бойитди. Кези келганда, бир мулоҳазани айтиб ўтиш лозим. Ҳозирги кунда вилоятда 140 дан ортиқ давлат ва жамоатчилик музейлари мавжуд. Бироқ уларнинг барчаси ҳам ўлкашунослик музейи каби намунали фаолият кўрсатмоқда, деб бўлмайди. Чунки кўпчилиги моддий ва маънавий кўмакка муҳтож. Бундай музейларга мутасаддилар томонидан эътибор кўрсатилиши лозим. Зеро, ўтмишни, қадриятларни эъзозлаш ўзликни англаш демакдир.

**С.АЪЗАМОВА,**
**«Ишонч» мухбири.**

# ҲОШИЯЛАРИ ТИЛЛОДАН

***Улуғ олим Улуғбекнинг отаси Шоҳрух сerзавқ китобсевар бўлган. Шу сабабли ер юзининг турли бурчакларидан саройга китоблар келтиришар эди.***

Нодир ноёб қўлёзмалар учун Шоҳрух зарни аямасди. Сарой кутубхонасида қўлёзмалар қайтадан кўчириб ёзилар ва безатилар эди. Одатда серҳашам китобларнинг ҳошияси турли рангда бўларди. Бир варақнинг ҳошияси оч феруза булса, иккинчисиники пушти ёки қизил ранг олганди. Тилла ранг сариқ ҳошиядан кейинги варақ ҳошияси эса оч сариқ рангда бўларди. Мана шу кутубхонада Фирдавсийнинг машҳур «Шоҳнома» достонининг мукаммал матни тузилган эди. Мазкур ажойиб қўлёзмаларда 20 та катта нафис миниатюра ҳам бор эди. Бу зиёхонада «Калила ва Димна» асари ҳам қайта кўчирилган. Ҳозир бу қўлёзма Теҳрондаги «Гулистон» кутубхонасида сақланади. Шоҳрух замонасида сарой кутубхонасининг китобларига тилла суви билан ёзилган белги биринчи саҳифанинг юқори қисмига қўйиларди. Кейинчалик белгилар қўлёзманинг охирига қўйиладиган бўлди. Буни бизгача етиб келган иккита қўлёзма-Алишер Навоийнинг «Ғаройиб усиғар» ва Абу Али Ибн Синонинг «Китоб уш-шифо»асарлари мисолида кўрамиз.

**Акбар АЛИЕВ.**

# ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ХИЗМАТ

## ўз вазифасини шараф билан уддаламоқда

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази (РШТЁИМ)да Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда «Шошилинч тиббий ёрдамни ташкил қилишнинг долзарб муаммолари, шикастланишлар ва уларнинг тиббий-ижтимоий оқибатлари» мавзуида иккинчи республика илмий амалий анжумани ўтказилди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурида кўзда тутилганидек, ҳозирги кунга келиб мамлакатимизда шошилинч тиббий ёрдам хизматининг яхлит ва салмоқли тизими ташкил қилинди. Ушбу тизим ўзининг кўлами, олдига қўйилган вазифалари ва имкониятлари жиҳатидан ҳеч бир бошқа давлатларда бўлмаган оригинал усул сифатида тан олинмоқда.

– Ушбу марказни ташкил этишдан асосий мақсад, мамлакатимизнинг барча минтақалари ва аҳолининг барча табақаларига давлат томонидан кафолатланган бепул ва сифатли шошилинч тиббий ёрдам хизмати кўрсатишдир, – деди анжуманда сўзга чиққан Соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров. – Мамлакатимизнинг барча вилоят марказларида ва Нукус шаҳрида РШТЁИМнинг 12 та филиали ташкил қилинди. 171 туманда эса марказий туман шифохоналари қошида фаолият кўрсатувчи филиаллар – Шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари очилди. Хизматимиз таркибига «03» тез тиббий ёрдам хизмати ва санитар авиацияси ҳам киритилган.

Ф.Назировнинг таъкидлашича, ўтган бир йил ичида марказ томонидан 436 минг 840 нафар беморга стационар ва 454 минг 414 нафар беморга амбулатория ёрдами кўрсатилди. Бундан ташқари, «03» тез тиббий ёрдам хизмати ва санитар авиацияси бўйича 6 миллиондан зиёд чақириқлар бажарилди. Станадртларни қўллаш натижасида марказ ва унинг филиаллари ва субфилиалларидаги ўринлар самарадорлиги ҳам тобора ортиб бормоқда. Ҳозирда беморларнинг ўртача даволаниш муддати 6,1 кунни ташкил қилмоқда. Ҳолбуки, ушбу кўрсаткич мамлакат бўйича ўрта ҳисобда 12,2 га тенг эди.

Мамлакатимиз ҳукумати ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тизим муассасаларини энг замонавий даволаш-диагностика техникаси ва асбоблари билан таъминланмоқда. Жумладан, Испания давлати кредитлари бўйича РШТЁИМ 10,6 миллион Евро миқдорида тиббий анжомлар, Япония ҳукуматининг 743 миллион йен миқдоридаги гранти бўйича асбоб-ускуналар олиб келиниб ўрнатилди. Вилоятлардаги филиалларни ва туманлардаги бўлимларни жиҳозлаш учун эса Исроил, Германия ҳамда бошқа давлатлар томонидан ажратилган кредит линияларни жалб қилиш юзасидан иш олиб борилмоқда.

Марказ фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб кадрларни қайта тайёрлаш ишларига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Шошилинч тиббиёт хизмати ташкил қилингандан бери Тошкент, Россия, АҚШ, Исроил, Япония, Бельгия ва Швейцария каби ривожланган мамлакатларнинг етакчи тиббий марказларида 1,5 мингдан ортиқ мутахассислар малакасини оширишди.

**«Туркистон-пресс».**

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширди - 22.00

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134*

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

**«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.**

*Тиражи: 9161* Буюртма Г— 1019. 1 2 3 4 5 6